

ЯҚИН ВА УЗОҚ ХОРИЖИЙ ШАРҚ ХАЛҚЛАРИ МУСИҚИЙ АНЪАНАЛАРИНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛИ

Холиқов Ниятилло Эргашович

Жиз.ДПИ. "Муסיқа", Магистрант 1-курс

Аннотация. Ушбу мақола Шарқ халқлари олимлари, буюк сиймолар, миллий ва маҳаллий муסיқа маданиятини ўрганиш ва миллий чолғуларини ўқувчиларга таништиришдан иборат.

Калитли сўзлар: «Мақом», «Муғом», «Рага», «Надхонлик», «Фардхонлик», «Суханронлик», «Суванронлик», «Шашмақом», эзгу, юксак, Шарқ ва Ғарб, хонанда ва созанда.

Аннотация. Эта статья представляет собой исследование ученых-востоковедов, великих деятелей, национальной и местной музыкальной культуры, а также знакомство читателей с национальными инструментами народов востока.

Ключевые слова: «Маком», «Муғам», «Рага», «Надханлик», «Фардханлик», «Суханронлик», «Суванронлик», «Шашмаком», благородный, высокий, Восток и Запад, певец и музыкант.

Annotation. This article presents a study of the Uchenyx-Orientalists, great figures, national and local musical culture, as well as familiarity with the national instruments of the peoples of the East.

Key words: «Maqom», «Mugam», «Raga», «Nadkhanlik», «Fardkhanlik», «Sukhanronlik», «Suvanronlik», «Shashmaqom», noble, high, East and West, singer and musician.

Ўзбекистон ва Шарқ халқларининг муסיқа маданиятини ўрганиш, унга бўлган қизиқиш доимо жаҳон муסיқашунослик илми намояндаларининг диққат марказида бўлиб келган. Сўнгги ярим аср давомида бу масалани ўрганиш муסיқашунослик илмида мазмун жиҳатидан тўла шаклланиб етди.

Ўзбекистон ва Шарқ халқларининг мумтоз мусиқа маданияти, мақомот дунёси атрофлича ўрганилиб, Халқаро форумларда илмий тадқиқотлар шаклида таҳлил этилиб, оламшумул масалалар сифатида эътироф этилиб келинмоқда. Қолаверса, жаҳоннинг аксарият мусиқий коллеж ва олий таълим муассасаларида махсус фанлар сифатида дастурларига киритилган. Жумладан, Республикаимизнинг ОТМлари тизимидаги мусиқий таълим йўналишларида махсус фан сифатида талабаларга сабоқ бериб келинмоқда. Худди шу маромда ушбу масалани мактаб жараёнига киритиш айтиш муддао бўлган муҳим ва долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Яқин ва Ўрта Шарқ –Ҳиндистон, Рокистон, Туркия, Афғонистон, Эрон ва Араб мамлакатлари халқларига тегишли бўлган тарихий ва мусиқий маълумотлар қамраб олинган. Шарқ мамлакатларининг аксарияти узок тарихга ега еканликлари фанда маълум. Уларнинг ҳар бири асрлар давомида ўз маданий анъаналарини шаклланиши ва тараққиёти билан боғлиқ ривожланиш босқичларига егадир. Бизгача етиб келган шаклларида эса, ҳар бир халқнинг ўзига хос мусиқий фольклор жанрлари, бетакрор мумтоз мусиқий намуналарини юзага келганлигини гувоҳи бўламиз. Айниқса, касбий мусиқанинг мукамал ва мураккаб тизимда таркиб торганлиги мақомлар тизимининг ўзида намоён бўлиб турибди.

Бинобарин, ўзбек мусиқасининг хорижий Шарқ халқлари мусиқа ижодиёти билан муштарақлиги, умумий илдизлари, буюк аждодларимиз Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур каби мутафаккирлар ва маърифатпарвар алломалар томонидан чуқур эътироф этилган. Бу ҳақда жадидчилик ҳаракатининг йирик намоёндаси Абдурауф Фитрат ўзининг “Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи” асарида қуйидагиларни ёзади: “Бизнинг адабиётимиз Шарқ-ислом адабиётига қандай боғланган, қандай муносабатли эрса, мусиқамиз ҳам Шарқ-ислом мусиқаси билан шундай муносабатдадир”.

Ўрта ва Яқин Шарқ халқларининг тарихий маданий алоқалари, жозибатор Шарқ оҳангларининг таровати ва таъсир кучи ҳамда ўзбек

мусиқасининг хорижий Шарқ халқлари муסיқа анъаналари билан муштараклигини назарда тутган ҳолда Президентимиз Ислоом Каримов қуйидагиларни таъкидлайдилар: “Муסיқа садолари қайси халқ ёки миллат вакили томонидан ижро етилмасин, енг эзгу, юксак ва нозик инсоний кечинмаларни ифода этади. Машҳур тарихчи Шарафиддин Али Яздий ўзининг “Зафарнома” китобида Амир Темур даврида ўтказилган муסיқий анжуманлар ҳақида тўхталиб, “Яхши овозли хонандалар куйлашни бошлаб, ғазалу накш айтур ердилар. Ва турку мўғул, хитою араб ва ажамдир ҳар ким ўз расми билан нағма айтур эрди”, деган маълумотларни келтиради. Мустақиллик йилларида улуғ боболаримизнинг ана шундай анъаналарини давом еттирган ҳолда, мамлакатимизда муסיқа санъатини кенг ривожлантиришга қаратилган дастур ва режалар амалга оширилмоқда. Жумладан, мумтоз муסיқий меросимизни асраб-авайлаш ва ўрганиш, уни ёш авлодларга безавол етказиш мақсадида кўплаб кўрик-танловлар, нуфузли халқаро анжуманлари мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда”¹.

“Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида” белгиланган устивор маънавий-маданий вазифаларга мувофиқ “Жаҳон халқлари муסיқа тарихи” мажмуасидаги “Шарқ халқлари муסיқа тарихи” фанининг асосий мақсади – талабаларда Яқин ва Узоқ хорижий Шарқ халқлари муסיқа анъаналари ҳақида илмий асосланган тизимли билимлар доирасини ҳосил қилиш, бўлажак санъаткорларнинг бадий тафаккурини қўшни халқлар муסיқа меросига доир маълумотлар билан кенгайтириш ва ўзбек муסיқасининг Шарқ ва жаҳон халқлари муסיқа маданиятига кўрсатган тарихий таъсирини ўрганиш, бугунги кунда долзарб аҳамият касб этаётган “Шарқ ва Ғарб маданиятлари” кесимида идрок етишдир.

Шарқ мамлакатларининг муסיқа санъати, маданиятини ўрганиш албатта, бу халқларнинг оғзаки ва ёзма манбалари, муסיқий дунёсини англаш билан боғлиқдир. Муסיқа дунёси эса муסיқачилар (хонанда ва созандалар),

¹ Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. T.; 2008, 140 b.

муסיкий чолғулар, муסיкий жанр ва намуналар ҳамда ижрочилик анъаналаридан иборатдир. Бу мезонларни ўқувчи ва талабалар эътиборига ҳавола этиш, жаҳон муסיқашунослик соҳасида яратилган манбалар билан таништириш энг муҳим масалалардан эканлигини айтиш жоиздир.

Шарқда “Мақом”, “Муғом”, “Рага”, “Надхонлик”, “Фардхонлик”, “Суханронлик”, “Суванронлик” ва бошқалар тараннум этилса, улар бизнинг “Шашмақом” йўналишимиздан хабардор ва бугунги кунда Ҳиндистон муסיқа маданиятининг анъанавий ижрочилигида “Бузрук” мақомимиз кунд билан ижро этилиб, уларда ҳам Бухоро мумтоз ижрочилиги деб, ҳисобланади. Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон ва Шарқ мамлакатлари муסיқа маданиятини англаш, идроклаш, миллий анъаналари ва чолғуларини ўрганиш албатта талабалардан маълум даражада тайёргарликни талаб этади. Талабалар ўз миллий муסיқа меросини керакли даражада ўрганиб, муайян билимга ега бўлишлари лозим. Хорижий тилларни ҳам билишлари айтилган. Айниқса, жаҳоннинг ҳар бир давлатларида манбаларнинг қисқача маъноси “Инглиз” тилида баён этилган, яъни *инглиз* тилини билиш лозимлигини билдиради. Зеро, бу, - талабаларга турли тилларда ёзилган манбалар билан танишишлари учун имкон яратади.

Хуллас, келажагимиз ёш авлодлари тарбияси воситасида “Шарқ халқлари мумтоз муסיқаси, ўхшашлиги ва бир –бировидан фарқи” деб номланган мазкур илмий изланишлар самарасида магистрлик диссертациясини ёқлаш мажбуриятини ўз зиммамга олиб кунд билан бажармоқчиман.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- 1.Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. T.; 2008, 140 b,
- 2.И.А.Ганиева Шарқ мамлакатлари муסיқа маданияти, Ўз “БА”СИТИ, номзодлик диссертацияси
- 3.S.B.Saidiy “Marksziy Osiyo madaniyatida urma zarbli cholg'ular” (o'zbek va tojik xalqlari musiqa an'analari misolida),T/ “Musiqa”nashriyoti. 2005 yil.